



Ислом Нури

Ҳидоят пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак рамазон ойида машруъ қилган ибодатлардан бири таровиҳ намозидир. Таровиҳ намози суннати муаккададир. Таровиҳ (тин олиш, дам олиш) деб номланишига сабаб – одамлар ҳар тўрт рақъатдан сўнг ўртада дам олишарди, чунки намоз жуда узун ўқиларди.

Уни масжидда жамоат бўлиб ўқиш афзалдир. Уни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан бир неча кеча масжидда ўқиганлар, кейин уларга фарз қилиниб қолишидан кўрқиб, улар билан ўқишдан четланганлар. «Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кеча масжидда намоз ўқидилар, одамлар ҳам у зотга иқтидо қилиб намоз ўқидилар. Иккинчи кеча ҳам намоз ўқидилар, одамлар кўпайиб кетди. Учинчи ё тўртинчи кечада ҳам одамлар йиғилдилар, бироқ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар олдида чиқмадилар. Тонг отгач: **«Мен сизларнинг қилган ишларингизни кўрдим. Олдиларингизга чиқишдан мени ман қилган нарса шуки, мен сизларга (бу намоз) фарз қилиниб қолишидан кўрқдим»**, дедилар (Бухорий (1129), Муслим (761) ривоятлари). Бу рамазон ойида бўлган эди. У зотдан кейин саҳобалари жамоат бўлиб ўқидилар, умматлари ҳам шуни қабул қилиб олдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Кимки, имом намоздан тугатгунига қадар у билан бирга намозда турса, унга тун бўйи намоз ўқиб чиққандек савоб ёзилади»**, деганлар (Термизий (806), Насойй (1605), Абу Довуд (1375), Ибн Можа (1327) Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Яна у зот: **«Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида (тунги намозда) қоим бўлса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади»**,



Ислом Нури

деганлар (Бухорий (2009), Муслим (759) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоятлари).

Таровиҳ намози собит суннатлардан, мусулмон киши уни тарк қилиши керак эмас.

Таровиҳнинг рақъатлари сонига келсак, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бирон нарса собит бўлган эмас, бу ҳақда кенглик бор.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Истаса, Аҳмад ва Шофеъий мазҳабида машҳур бўлганидек 20 рақъат ўқиши мумкин. Истаса, Молик мазҳабида бўлганидек 36 рақъат ўқиши мумкин. Истаса, 11 ёки 13 рақъат ўқиши мумкин. Қай бирин қилса ҳам яхши бўлаверади. Рақъатларини кўпайтириш ё ожайтириши қиёмнинг узун-қисқалигига қараб бўлади» (Ал-фатавал-кубро: 5/342).

Умар розияллоҳу анҳу одамларни Убай розияллоҳу анҳуга жамлаб берганлар, Убай уларга 20 рақъат ўқиб берарди. Саҳобалар ичида айримлари камроқ, айримлари кўпроқ ўқишарди. Шориъ (шариат соҳиби) томонидан белгилаб берилган муайян ҳад-худуд мавжуд эмас.

Масжид имомларидан кўплари таровиҳни жуда шошилиб ўқишади, рукуъ ва сужудда хотиржам туришмайди. Ваҳоланки, хотиржам туриш намоз рукнларидан. Намозда Аллоҳ ҳузурида ҳузури қалб билан туриш, Аллоҳнинг каломи тиловатидан таъсирланиш матлубдир. Шошилиб ўқилганда бу нарса ҳосил бўлмайди. Қироатни узайтириб, хотиржамлик билан ўқилган 10 рақъат намоз шошиб ўқилган 20 рақъатдан афзал. Чунки, намознинг мағзи ва руҳи қалбнинг Аллоҳ азза ва жаллага боғланишидир. Айрим оз нарсалар борки, кўп



Ислом Нури

нарсадан яхши бўлади. Ундан ташқари, дона-дона қилиб қироат қилиш тез ўқигандан афзалдир. Мубоҳ бўлган тезлик – биронта ҳам ҳарф тушиб қолмайдиган даражадаги тезлик бўлиб, агар тезлик сабабли биронта ҳарф тушиб қолса, бу нарса жоиз бўлмайди ва бундан қайтарилади. Орқадаги намозхонлар фойдаланадиган даражада дона-дона қироат қилса, шу яхшидир.

Аллоҳ таоло Қуръоннинг маъносини фаҳламай ўқийдиган кишиларни айблаган: **«Уларнинг ичида китобдан беҳабар, фақат хом хаёлларнигина биладиган омийлари ҳам бор»** (Бақара: 78). Яъни, тушунмасдан ўқийдиган омийлар бор. Қуръон нозил қилинишидан мурод – уни тиловат қилибгина қўйиш эмас, унинг маъноларини тушуниш ва уларга амал қилишдир.

Айрим масжид имомлари таровихни машруъ бўлганидек кўринишда ўқимайдилар, Қуръонни тўғри адо қилишга халал етказадиган даражада қироатни жуда тез қиладилар, қиёмда, рукуъ ва сужудда хотиржам турмайдилар. Хотиржам туриш намоз рукнларидан саналади. Бунинг устига намоз ракъатларининг ҳам энг озини танлайдилар. Шу билан ҳам ракъатларни озайтириш, ҳам намозни ўта енгил ўқиш, ҳам қироатни яхши қилмаслик орасини жамлайдилар. Бу эса ибодатни ўйинчоққа айлантириш бўлиб қолади. Ундай кишилар Аллоҳдан тақво қилишлари, намозларини чиройли ўқишлари, ўзларини ва ортларидаги намозхонларни таровихни машруъ равишда адо этишдан маҳрум қилмасликлари вожиб бўлади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни салоҳ ва фалоҳ (нажот) бўлган ишларга муваффақ айласин.



Ислом Нури

Яъни, ҳар икки саломдан сўнг. Чунки, таровиҳ ва таҳажжуд намози икки рақъат – икки рақъат ўқилади. Айрим илмсиз масжид имомлари бу борада хатога йўл қўйиб, таровиҳ ёки таҳажжуд намозларида икки рақъатдан кейин салом бермайдилар. Бундай қилиш суннатга хилоф қилиш бўлади. Уламолар таровиҳ ё таҳажжудда икки рақъатда салом бермай, учинчи рақъатга туриб кетган одам бамдод намозида учинчи рақъатга туриб кетган билан бир хил, деганлар, яъни унинг намози ботил бўлади. Шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимаҳуллоҳнинг ундай қилувчиларга рад қилувчи ва хатоларини баён қилиб берувчи жавоблари мавжуд.

Баъзилари овозкучайтиргич орқали овозларини масжид ташқарисига чиқариб, қўшни масжидлар аҳлига халақит берадилар, бу ҳам жоиз эмас.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Одамлар нафл намози ўқиётганда Қуръон ўқиган одам овозини уларга халақит берадиган даражада кўтариши яхши эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари масжидда намоз ўқишаётганда улар олдига чиқиб келдилар ва: «Эй одамлар! Ҳар бирингиз Раббига муножот қилмоқда, қироатда овозларингизни бир-бирингизникидан кўтариб



Ислом Нури

Таровиҳ намози ва унинг ҳукмлари ҳақидаги боб | 5

юборманглар!», дедилар
(Мажмуъул-фатово: 23/61-64).